

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳих: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

А. Акбаров Ҳайнрих Ҳайне ва аёллар.....	94
Г. Орипова Ўзбек шеърлятида ижровий лирика тарихи ва тадрижи.....	101
О. Барзиев Фарғона номи билан боғлиқ анъанавий поэтик туркумлар.....	108
Д. Турдалиев Ўзбек достончилик санъатининг ўзига хос хусусиятлари.....	114
Ю. Каримова “Лисонут-тайр” достонида бадиий тасвир усуллари ва ифода воситалари.....	123
Д. Муратова XX аср ўзбек ва корейс ҳикояларида ота-она ва фарзанд муносабатларида оилавий кадриятлар тасвири.....	127

ТИЛШУНОСЛИК

А. Мамажонов, А. Саминов Сўз бирикмаси қисмларида семантик мутаносиблик ва номутаносиблик.....	133
М. Мамажонов Диалогик дискурда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятларига доир.....	138
Р. Ахророва Ўзбек ва француз тилларида эрта ёшлик “jeunesse”нинг лексик-семантик ифодаланиши.....	144
Х. Қодирова Хоразм шеваларида ўзлашма сўзлар асосида шаклланган айрим лақаблар.....	148
Ҳ. Дўсматов Ўзбек миллий сўз ўйинлари турлари ва талқини.....	152
Ш. Шокиров, Д. Қозоқбоева Инглиз тилида “ear – кулоқ” семасига алоқадор бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	159
Т. Яндашова Бадиий матнда “гўзаллик” концептини ифодаловчи фонетик-фонологик воситалар лингвопоэтикаси.....	163
Г. Тожиева Ўзбек тилининг изоҳли луғатларида маънавий-маърифий тушунчаларни ифодаловчи атов бирликларининг тавсифланиши.....	168
З. Раджабова Ўқув фразеографияси лексикографиянинг махсус бўлими сифатида.....	173

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Х. Турсунов, Ю. Минаматов, И. Мўминов Замонавий таълимда компьютер ўйин элементларидан фойдаланишнинг педагогик муаммолари ва ечим тавсиялари.....	182
М. Каримова, З. Арипов, М. Оламова Педагог ва талаба ёшларнинг креативлик сифатларини ривожлантиришнинг омиллари ва усуллари.....	189
С. Умаров Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг илмий-педагогик имкониятлари.....	193
С. Аъзамов Тўқимачилик ва енгил саноат соҳаси терминларини тартибга солиш.....	197

УДК: 811.512.133 (575.1)(043.3)

**ХОРАЗМ ШЕВАЛАРИДА ЎЗЛАШМА СЎЗЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН
АЙРИМ ЛАҚАБЛАР
НЕКОТОРЫЕ ПРОЗВИЩА, СОЗАННЫЕ НА ОСНОВЕ ЗАИМСТВОВАНИЙ В
ХОРЕЗМСКИХ ДИАЛЕКТАХ
SOME NICKNAMES FORMED ON THE BASIS OF BORROWINGS IN KHOREZM
DIALECTS**

Қодирова Хуршида Марселовна¹¹Қодирова Хуршида Марселовна

- Урганч давлат университети, ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистоннинг Хоразм вилояти ўзбек тилининг ўғиз ва қипчоқ лаҳжаларида гаплашувчи аҳолиси тилидаги инглиз, француз ва немис тилига оид сўзлар асосида шаклланган айрим лақабларнинг лексик-семантик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируются лексико-семантические особенности некоторых прозвищ, образованных на основе английских, французских и немецких слов в огузском и кипчакском диалектах узбекского языка Хорезмской области Узбекистана.

Annotation

This article analyzes the lexical and semantic features of some nicknames formed on the basis of English, French and German words in Oguz and Kipchak dialects of the Uzbek language in the Khorezm region of Uzbekistan.

Таянч сўз ва иборалар: лақаб, Европа тилларидан ўзлашган сўзлар орқали шаклланган лақаблар, лақабларнинг ўрганилиши, ўзбекча сўзлар, инглизча сўзлар, французча сўзлар.

Ключевые слова и выражения: прозвище, прозвища, образованные из слов, заимствованных из европейских языков, изучение прозвищ, узбекские слова, английские слова, французские слова.

Key words and expressions: nicknames, nicknames formed by words borrowed from European languages, study of nicknames, Uzbek words, English words, French words.

Тилшунослар бутун дунёда тилни тадқиқ этишнинг энг мақбул йўллари ҳамиша излаб келганлар. Тил бирликлари халқимизнинг миллий тафаккури, турмуш тарзи, урф-одатлари ҳақида маълумот бериб туради. Хусусан, атоқли отлар энг кўп ахборот таший оладиган бирликлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришишимиз кераклиги, бу ишлар учун эса молиявий ресурслар ва маблағларни асло аямаслигимиз кераклиги ҳақида гапирган эди [1]. Шундан келиб чиққан ҳолда, бой лексик фондга эга бўлган, ўзбек адабий тилининг ривожланиши учун ноёб озиқ

манбаларидан бири бўлган Хоразм шеваларини ўрганиш тилшунослик учун катта натижаларни бера олади. Хоразм шеваларидаги лақабларни тадқиқ қилиш билан мазкур шевага хос номинация қоидалари, шеванинг турли лисоний қирралари ҳақида қимматли маълумотларни беради.

Ўзбек номшунослигининг долзарб муаммолари орасида лақабларни ўрганиш иши алоҳида ўрин тутди. Чунки, қадимий даврларга мурожаат қилганимиз сари исмлар ва лақаблар орасида фарқ камая боради ва, умуман, лақабларнинг номлаш воситаси сифатидаги роли орта боради [2.80].

Э.Бегматов лақабга “Лақаб – шахснинг ташқи кўриниши ёки характеридаги маълум белги ёки хусусиятга кўра, унинг ижтимоий аҳволи ёки насл-насабига кўра номланишдир. Лақаблар ҳам атоқли отдир”, деб таъриф

ТИЛШУНОСЛИК

берган [3.12]. Ҳақиқатан ҳам лақаб одамнинг турли хусусиятларини ифода этадиган номдир. Лақаб шахс ҳаётининг турли даврларида унга одамлар томонидан шахснинг турли хусусияти ва сифатига ишора қилиб берилган сўздир. Шахс мана шу ном билан бир доира кишиларга маълум бўлади ва фарқланади. Лақаб – бу, норасмий қўшимча ном бўлиб, жамиятда бир кишини иккинчисидан фарқлашга хизмат қилади ёки шахснинг турли характер-хусусиятларини англатишга хизмат қилади.

Хоразм шеваларидаги лақабларнинг юзага келиши учун асос бўлган мавжуд мотив ва бошқа лингвистик омилларни аниқлаш, структур-семантик ва функционал хусусиятларини тадқиқ қилиш, Хоразм вилоятидаги шеваларда шаклланган лақабларнинг антропонимлар маъно структураси шаклланишида тутган ўрни ва ролини тадқиқ қилишдир. Бунда Хоразм шеваларидаги лақабларнинг ўзбек тили ономастик сатҳида тутган ўрнини белгилаш, лақабларни таснифлаш, тавсифлаш ҳам муҳим ўрин тутди.

Ушбу мақсадга Хоразм минтақавий антропонимлари учун хос бўлган лақабларнинг материалларини тўплаш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш; Хоразм шеваларидаги лақабларни тўплаш ва уларни илмий тавсифлаш; вилоят ҳудудидаги ўғиз ва қипчоқ шеваларига оид лақабларнинг ўзбек тили ономастик тизимида тутган ўрнини белгилаш; лақабларнинг турли структур ва семантик хусусиятларини кўрсатиб бериш; лақабларни аталиш мотивларига кўра гуруҳлаш; лақабларнинг ҳосил бўлишидаги лисоний ва нолисоний омилларни ўрганиш; лақаблар семантикасининг денотатив, номинатив ҳамда мотиватив маъно тушунчаларига муносабатини белгилаш каби вазифаларни бажариш орқали эришилади.

Хоразм ҳудудида фаолият олиб бораётган тилшунос олимларнинг вилоят ҳудудидаги тил муаммоларини, жумладан, шевалар ва улардаги турли хусусиятларни ўрганишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хоразм

шеваларида *küll(i)kçi// güll(i)kçi* – “мардикор”, *nalçi* – (кўчат етиштирувчи), *ya:rimçi* “шериклик асосида ишловчи деҳқон”, *elt(i)* – “эл ичида юрувчи фаол аёл”, “тўй-маъракаларда аёлларга бошчилик қилувчи аёл”, “ғассол аёл”, *taläkçi* – “тўй-маъракаларда омборчилик қиладиган шахс” каби юзлаб лақаблар фақат Хоразм шеваларидагина мавжуд бўлиб, уларда ҳудуд шева хусусиятлари акс этгани учун маҳаллий мутахассис буни яхши илғай олиш имконига эга. Масалан, кўза лақаби семиз, бақалоқ, “ебтўймас” кишиларга нисбатан қўлланилган: *Қадам кўза* каби. The word “ko’za” (a large jug) defined, as usual, a vessel with a voluminous gut and narrow neck, intended for storing liquids, which, like the word “hum”, was probably used to determine the meaning of “hole, groove”. The expressions “buloqning ko’zi”, “derazaning ko’zi” used in the Uzbek language, in which the metaphorical use of the word “ko’z” (eye) is observed, also confirms this hypothesis. A similar phenomenon is observed in the revolutions of “Summing-up Ozi”, “Shocking-up Ozi” (announcing) [6.27]. Хоразм шеваларида *хурмача* сўзи ҳам лақаб сифатида кўза сўзига синоним сифатида қўлланади: *Давлат хурмача* каби.

Хоразм шеваларида бошқа тиллардан кириб келган сўзлар асосида шаклланган лақаблар ҳам кўп учрайди. Қуйида ўзлашма сўзлар асосида шаклланган айрим лақабларнинг семантик ва функционал хусусиятлари ҳақида сўз юритамиз.

Немис. *Ҳасан немис* бирикмаси таркибидаги *немис* лақаби. *Немис* сўзи қадимги рус тилида *немец* – “*ғўлдираб, ноаниқ гапирувчи*”, “*соқов*”, “*ажнабий*” каби маъноларни англатган. “Германиянинг туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ” маъносида ҳам рус тилида *немец* сўзи ишлатилади. *Немец* сўзи рус тилидан ўзбек тилига *немис* шаклида ўтган. Ўзбек шеваларида *немис* сўзи миллат номини англатишдан ташқари, “қаттиққўл”, “бераҳм”, “раҳм-шафқатсиз” каби маъноларни ҳам ифодалайди. Бу маъно Иккинчи жаҳон уруши даврида фашистларнинг ваҳшийларча хатти-ҳаракатлари натижасида тилимизда

шаклланган. *Боққи немис* (аслида Баҳодир немис) антропонимик бирлиги таркибидаги *немис* сўзи ушбу шахснинг *қаттиққўл ва бераҳмлиги* учун қўйилган. *Жумми немис* сўзи таркибидаги *немис* сўзи эса асли исми Жуманазар бўлган шахснинг антропологик жиҳатдан, яъни қиёфаси *немис* миллатига ўхшашлиги асосида қўйилган. *Ҳасан немис* сўзи таркибидаги *немис* сўзи эса касб-кор мазмунини ифодаловчи лақаб маъносида Ҳасанбой исмли немис тили ўқитувчисига нисбатан ишлатилган.

Таъкидлаш лозимки, миллат номи асосида шаклланган лақаблар Хоразм шеваларида кўп учрайди: *Самандар япон* (мияси японларникидай зўр ишлаган учун шу лақаб қўйилган), *Рустам тожик* (миллатига нисбатан қўйилган лақаб), *Бозорбой қозоқ* (миллатига нисбатан қўйилган лақаб), *Озод қозоқ* (ўзи ўзбек, қиёфаси қозоқ миллати вакилларига ўхшагани учун шу лақабни олган).

“Франциянинг асосий, туб аҳолисини ташкил қилувчи халқ, француз халқи” тушунчасини англатувчи *француз* сўзи одатда француз тили ўқитувчисига нисбатан лақаб сифатида қўлланган: *Шокир француз*. Ахлоқий жиҳатдан Шарқ анъаналаридан фарқ қилиб, фоҳишалар кўплиги жиҳатидан салбий ном чиқарган жой номларига ҳам “Франция”, “Маленький Париж” каби норасмий номлар қўйиладика, уларнинг лисоний мақомини белгилаш эҳтиёжи ҳам бор. Улар тасвирий ифодами ёки жой номларига нисбатан лақабми, махсус тадқиқот жараёнида аниқланади.

Шляпа немис тилидан олинган бўлиб, “қалпоқ”, “шапка”, “атрофи соябонли бош кийим” маъносини англатади. Бу сўз доим шляпа кийиб юрадиган кишига нисбатан шева фонетик қонуниятларига мослашган ҳолда шлапа шаклида лақаб сифатида ишлатилган: Шомми шлапа.

Галстук немисча halstuch сўзидан олинган бўлиб, аслида “бўйин рўмол” маъносига эга, “кўйлак ёқаси остидан ўтказиб, олдини тугун ёки бант қилиб тақиладиган мато”, “бўйинбоғ” маъносини ифодалайди. Ўзбек халқида асосан зиёли инсонлар, давлат идораларида

ишлайдиган шахслар, мансабдорлар галстук тақади. Зиёли одамлар кам бўлган чекка қишлоқларда битта зиёлининг иш жойидан ташқарида ҳам ҳар доим бўйинбоғ тақиб юриши *галстук* лақабини олишига сабаб бўлган: *Қадам галстук.*

Қишлоқ ҳудудларида шаҳардаги турли идораларга қатнаб ишлайдиган шахсларга ўша иш жойи ёки қилаётган иши, касби кабилар асосида лақаб қўйиш ҳолатлари кўп учрайди.

Масалан, *Ҳаким вокзал* бирлиги таркибидаги *вокзал* сўзи *инглизча vauxhall* – “Вокс кошонаси”, яъни Лондондаги сайргоҳ боғнинг номидан олинган бўлиб, “Йўловчилар ва транспортга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бино, бинолар мажмуи” [4.467] маъносини ифодалайди. Ўтган асрнинг 70-йилларида Урганч темир йўл вокзалида ишлагани учун Ҳаким исмли шахс *вокзал* лақабини олган.

Велосипед француз тилидан бошқа тилларга ўтган сўз бўлиб, [фр. *velocipede* < лот. *Velox* тез + *pedis* — оёқ] “*педаллар ёрдамида ҳаракатга келтириладиган икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси*” маъносини англатади. Хоразм шеваларида *велосипед* сўзи *товуш ўзгаришларига учраб, валасапит, валсибит, велик, валли шаклларида учрайди. Шунингдек, унинг кекса авлод вакиллари тилида шайтон арва/шайтон арава номи ҳам учрайди. Умр бўйи велосипед миниб юрган одамга Норвой валли* лақабни шунинг учун қўйилган. Хоразмнинг айрим ҳудудларида аёлларнинг велосипед ҳайдаши одатий ҳол ҳисобланса, баъзи қишлоқларимизда бу жинс вакилларининг велосипедда юриши маъқулланмайди. Ана шундай ҳудудлардаги айрим шаддод аёлларнинг велосипед миниши *Қурвон валли, Га:вар валли* каби лақабларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Шпион лексемаси немисча *spion* < *sprehen* — “қузатмоқ”, “таъқиб қилмоқ”, “айғоқчилик қилмоқ”, “давлатга оид ва ҳарбий сирларни махфий равишда билиб, ўғирлаб олиб, бошқа мамлакатга, душман томонга етказувчи шахс”, “жосус” семасига эга. Бировнинг сирини билиб

ТИЛШУНОСЛИК

олиб, бошқасига етказадиган шахсга, гап етказувчи “қулоқ”қа нисбатан ҳам *шпион* сўзи лақаб сифатида қўйилади. Масалан, *Отти шпион*. Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” комедиясида асар қаҳрамони Соттининг: “Нима ҳақида гаплашяпсизлар?” – саволига овсинларининг “Шпионлар ҳақида!” – деган илмоқли жавоби ҳам бу сўз ўзбек адабий тили ва шеваларида лақаб, киноя каби воситалар сифатида фаол ишлатилишини уқиб олиш қийин эмас.

Компьютер [ингл. computer < лат. computare – ҳисобламоқ, ҳисоблаб чиқмоқ] лексемаси “мураккаб қурилмага эга бўлган электрон ҳисоблаш машинаси [5.397]” маъносини ифодалаб, мияси яхши ишлайдиган, билимли, хотираси мустаҳкам одамларга нисбатан *компютер* шаклида лақаб сифатида ишлатилган: *Одил компютер*.

Доктор [лат. doctor – ўқитувчи, муаллим, устоз] лексемаси “касалларни даволовчи олий маълумотли тиббиёт ходими”, “шифокор”, “докторлик диссертациясини ҳимоя қилган фан номзодлари ёки профессорларга бериладиган олий илмий даража ва шу даражани олган олим” маъносини

ифодалайди ва Хоразм шеваларида ушбу сўз шифокорларга нисбатан *доктор/духтур* шаклида лақаб сифатида ишлатилади: *Эрғаш доктор, Одил духтур*.

Лақабларнинг семантик тузилиши, уларни ташкил қилувчи мотиватив маъно типлари ўзига хосдир. Шунинг учун лақаблар маъноси апеллятив лексикага қиёсланганда улар, асосан, энциклопедик маъно ифодалаши таҳлиллар асосида далилланиши лозим. Лақаблар антропоцентрик парадигма йўналишлари, хусусан, лингвокультурологик ва социолингвистик жиҳатдан ҳам таҳлил қилинса, улар ҳақида кенгроқ маълумот олиш мумкин.

Ушбу мақолада бошқа тиллардан кириб келган сўзлар асосида шакланган лақабларнинг структур-семантик ва функционал хусусиятлари юзасидан билдирилган назарий хулосалардан, илмий таҳлиллардан ўзбек тили лексикологиясига оид изланишларда, ўзбек ономастикасига оид дарслик ва қўлланмалар яратишда ҳамда этнографик ва этнолингвистик, социолингвистик тадқиқотларда кенг фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи, № 218. – Тошкент, 2019 йил, 22 октябрь.
2. Xurshida Qodirova. Xorazm laqablarining qo'llanilishiga ko'ra turlari. // “Научный журнал”, №21 (103), часть 3, Интернаука, Москва, №21, 06.2019.
3. Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси: Филол.фан.ном....дис. –Т., 1965.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.
6. Azamat Primov, Sumbul Muhammedova. About domestic lexical features in translation "Zafarnama" expressing the household.– International Journal on Integrated Education. Volume 2, Issue III, July-August, 2019.– Page 27.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор)